

БОШ КЕЛИШУВ № _____
кредит линия очиш ҳақида

202__ йил _____ ш.

“Банк” номидан Бош банк томонидан 20__ йил _____ да берилган _____ - сонли ишончномага асосан ҳаракат қилувчи «Гарант банк» акциядорлик жамияти _____ БХО (кейинги ўринларда – Банк) бошқарувчиси _____, биринчи тарафдан ва “Қарз олувчи” номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи “_____” МЧЖ раҳбари _____, иккинчи тарафдан қуйидаги мазмундаги Бош келишувни туздилар:

1. Бош келишув моҳияти

1.1 Мазкур Бош келишувда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Бош келишув – банкнинг ҳудудий БХОси ҳамда тадбиркорлик субъекти ўртасида барча мақсадлар учун 60 (олтмиш) ой муддатгача кредит линияси очган ҳолда кредитлар ажратиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш мақсадида тузилган келишув;

Қарз олувчи – банкда асосий ёки иккиламчи ҳисобварағи мавжуд тадбиркорлик субъектлари;

Индивидуал кредит шартномаси – Бош келишув доирасида ва _____ (_____) ойгача бўлган муддатга алоҳида кредит қайтариш жадвали асосида тузиладиган кредит шартномаси;

муаммоли қарздорликлар – кредит асосий ва/ёки фоиз тўловлари бўйича 90 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган қарздорликлар.

1.2. Кредитлар қонун ҳужжатларида тақиқланган фаолият турларини амалга ошириш учун ажратилиши мумкин эмас.

2. Бош келишув шартлари

2.1. “Банк” мазкур Бош келишув имзоланиб, кучга кирган кундан эътиборан 3 (уч) банк иш кунида индивидуал кредит шартномасига мувофиқ _____ (сўз билан ёзилади) сўм миқдорида кредит линиясини очади.

2.2. Мазкур келишувга асосан ушбу келишув муддатидан қисқароқ муддатга кредитлар учун индивидуал кредит шартномалари тузилади. Бироқ, кредит таъминоти 60 ой муддатга эҳтимолий йўқотишларга қарши суғурта қилиниб, гаров шартномаси ҳам мазкур келишувга асосан 60 ой муддатга расмийлаштирилади.

2.3. Бош келишув доирасида ва унинг амал қилиш муддати давомида ҳар бир индивидуал кредит шартномаси, очилган санадан бошлаб 36 (ўттиз олти) ойдан ошмаган муддатгача, асосий қарз тўлови бўйича 6 (олти) ойгача имтиёзли муддат билан тузилади. Бунда, ҳар бир кредит алоҳида кредит ажратиш бўйича тузилган индивидуал кредит шартнома ва қайтариш жадвалига асосан тақдим этилади.

Бош келишув доирасида имзоланадиган индивидуал кредит шартномалар сони чекланмаган. Бунда, аввалги кредит шартномалари бўйича муаммоли қарздорликлар юзага келганда, Бош битим доирасида навбатдаги индивидуал кредит шартнома имзоланишига йўл қўйилмайди.

2.4. Навбатдаги индивидуал кредит шартномага асосан кредит ажратилишида ажратилган кредитнинг гаров ҳолати, кредитнинг ўз вақтида тўланиши ва ҳисобварағи айланмаси тўғрисида БХО масъул ходимлари ҳамда Қарз олувчи томонидан имзоланган мониторинг далолатномаси тақдим этилиши лозим.

2.5. Бош келишув бўйича белгиланган муддатнинг сўнги 6 (олти) оyiда ссуда ҳисобварақ орқали молиялаштириш амалга оширилмайди ва маблағлар фақатгина кредит тўловларига йўналтирилади.

2.6. Қарз олувчи олинган кредит суммасини муддатидан илгари қайтаришга ва улардан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун ҳисобланган фоизларни тўлашга ҳақли.

2.7. Банкнинг кредит маҳсулоти бўйича фоиз ставкаси ўзгарган тақдирда Бош келишув доирасида Қарз олувчига навбатдаги ажратиладиган кредитлар учун фоиз ставкалари ўзгариши мумкин.

3. Кредитлаш тартиби

3.1. Кредитлар Қарз олувчига алоҳида кредит ҳисобварағи очиш ва унинг тўлов топшириқномасига мувофиқ ўз ҳисобварағига ёки сотувчи/хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан ажратилади.

Қарз олувчиларга 1,0 млрд. сўмгача миқдорда кредитлар нақд шаклда ажратилиши мумкин.

3.2. Қарз олувчига ажратилган кредитлар Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасининг тегишли баланс ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

3.3. Қарз олувчи мазкур Бош келишувда белгиланган суммадан ошмаган миқдордаги кредитлардан фойдаланиши мумкин.

3.4. Мазкур Бош келишув 60 ой муддатга тузилади ва шунга мутаносиб равишда таъминот расмийлаштирилади. Бунда, Бош келишувга асосан мижозни талабига кўра 36 ой муддатгача бўлган кредитлар ажратилади.

3.5. Кредитни сўндириш муддатлари пул оқимлари истикболидан келиб чиқиб белгиланади.

3.6. Кредит асосий қарз тўлови бўйича 6 (олти) ойгача имтиёзли муддат белгиланиши мумкин.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

4.1. Банк ҳуқуқлари:

4.1.1. Қарз олувчи томонидан муаммоли қарздорликлар юзага келтирилганда янги индивидуал кредит шартномалар тузмаслик ва Бош битимни бекор қилиш;

4.1.2. Қарз олувчидан ажратилган кредит бўйича кредитнинг ўз вақтида тўланиши ва молиявий ҳолати тўғрисида маълумотларни талаб қилиш;

4.1.3. Қарз олувчига ажратилган кредит бўйича асосий қарздорлик ва фоизларининг сўндирилиши 2 (икки) ойдан ортиқ муддатда таъминланмаган тақдирда банк гаровга олинган мулк ёки бошқа мол-мулк ҳисобидан мажбуриятларни муддатидан олдин бажаришини талаб қилиш, бунда, қарз олувчига шартнома мажбурияти лозим даражада бажарилмаганлиги учун кредитни муддатидан олдин қайтариш талаби қўйилган хабарнома/талабнома юбориш;

4.1.4. Банк қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

4.2. Банк мажбуриятлари:

4.2.1. Берилган кредитнинг ҳисоб-китобини олиб бориш учун қарз олувчига алоҳида ссуда ҳисоб рақами очиш;

4.2.2. Кредит шартномаси имзоланиб, қонуний кучга киргандан кейин 3 иш кунида кредитни ажратиш;

4.2.3. Қарз олувчи томонидан мазкур Бош келишув ҳамда кредит шартномаси шартларига тўлиқ амал қилинган ҳолда навбатдаги кредит учун тегишли ссуда ҳисобрақамини ўз вақтида очиш ва кредит ажратилишини таъминлаш;

4.2.4. Мазкур Бош келишув муддатига мос равишда бир маротаба гаров шартномасини расмийлаштириш ва ушбу муддат давомида “Қарз олувчи”га кредит линияларидан фойдаланиш имкониятини яратиш;

4.2.5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш бўйича киритиладиган ўзгартиришлар ҳамда мижоз ва банк ўртасида тузилган кредит шартномасининг ўзгарадиган бандлари бўйича қарз олувчини хабардор қилиш;

4.2.6. Мазкур Бош келишув бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича бошқа мажбуриятларга эга бўлади.

4.3. Қарз олувчи ҳуқуқлари:

4.3.1. Ушбу келишувда қайд этилган шартларда, суммада ва муддатларда кредит линиясидан фойдаланиш;

4.3.2. Банк билан келишилган ҳолда мазкур келишув ўзгартирилиши, бекор қилиниши ёки узайтирилишида икки тарафлама қўшимча келишув расмийлаштириш;

4.3.3. Банкдан ажратилган кредитлар бўйича маълумотлар талаб қилиш;

4.3.4. Бош келишув ва кредит шартномаси талабларига тўлиқ амал қилган ҳолда навбатдаги кредитдан фойдаланишни талаб қилиш;

4.3.5. Банк томонидан мазкур Бош келишув бўйича мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги амалдаги қонунчилик бўйича бошқа ҳуқуқларга эга бўлади.

4.4. Қарз олувчи мажбуриятлари:

4.4.1. Банк томонидан берилган кредитларни кредит шартномасида белгиланган мақсадларга ишлатиш ва тўлиқ қайтариш.

4.4.2. Мазкур келишув ва кредит шартномаси талабларига қатъий риоя қилиш;

4.4.3. Мазкур келишув асосида ажратилган кредит таъминоти ҳолати ўзгарганда ёки суғурта ходисаси юз берганда 2 (икки) иш кунидан кечикмасдан банкни ёзма равишда хабардор қилиш;

4.4.4. Кредит таъминоти ҳолати ёмонлашганда банкнинг талаби билан кредит таъминотини ликвидли таъминот турига алмаштириш;

4.4.5. Мазкур Бош келишув бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича бошқа мажбуриятларга эга бўлади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Тарафлардан мазкур Бош Келишув бўйича ҳуқуқларидан фойдаланиш билан биргаликда мажбуриятларини бажариши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Мазкур Бош келишувни бутунлай ёки қисман бажаришга имконият бўлмайдиган вазият томонларнинг бирида вужудга келса, яъни: табиий офат, уруш, барча турдаги уруш ҳаракатлари, амалдаги қонунчиликнинг ўзгариши ва шу каби, томонларга боғлиқ бўлмаган, юз бериши мумкин бўлган бошқа вазиятларда, томонлар мажбуриятларни бажаришдан озод этиладилар.

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Ушбу Бош келишув юзасидан келиб чиқадиган низоли ҳолатлар ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади. Ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиш имкони бўлмаган тақдирда тегишли судлар томонидан кўриб чиқилади.

8. Бошқа шартлар

8.1. Ушбу Бош Келишув икки нусхада тузилади, тарафлар томонидан имзолаган кундан қонуний кучга киради ва мазкур Бош келишув бўйича тарафлар мажбуриятлари тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

8.2. Ушбу Бош Келишувга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда амалга оширилади ҳамда мазкур Бош келишувнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8.3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 2 июлда 3030-сон билан рўйхатга олинган низомга асосан мазкур шартномада "Times New Roman" 12 ўлчамли шрифтдан кам бўлмаган ёки шунга ўхшаш шрифтдан фойдаланилган ҳолда Microsoft Word матн редакторидан фойдаланилиши лозим.

8.4. Мазкур Бош келишувда назарда тутилмаган бошқа ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги амалдаги қонунчиликка асосан тартибга солинади.

9. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

«ҚАРЗ ОЛУВЧИ»

“_____” МЧЖ
МФО 00 __, СТИР _____
х/р 20208000.....001,
“Гарант банк” АЖ БХО
Юридик манзил: _____
тел. рақам: (+998__) _____

Раҳбар _____
Ф.И.Ш.

«БАНК»

_____ вилояти., _____ тумани,
_____ қўчаси __ - уй
«Гарант банк» АЖ _____ БХО
х/р _____
Банк коди: _____, ИНН: _____
тел. рақам: (+998 __) _____

Бошқарувчи _____
Ф.И.Ш.